

БИОЛОГИК АКТИВЛАРНИ ТҮҮРИ ТАСНИФЛАШ МАСАЛАРИ

Равшанов Алишер Бобоқулович

ҚарМИИ катта ўқитувчиси

Аннотация

Халқаро ҳисоб ва ҳисобот амалиётида “биологик активлар” молиявий ҳисоб ва ҳисботнинг муҳим обьекти сифатида тан олинади. Биологик активларни таснифланишининг муалиф томонидан ишланмаси келтирилган. “Қишлоқ хўжалик фаолияти”, “Биологик активлар”, “Деҳқончилик ҳосили” ва “Чорвачилик маҳсулоти” тушунчаларига илмий таърифлар берилган.

Калит сўзлар: Эҳтиёж, чекланган ресурслар, хорижий инвестиция, биологик активлар, қишлоқ хўжалик фаолияти, деҳқончилик ҳосили, чорвачилик маҳсулоти.

Кириш

Ҳозирги вақтда жаҳон бозорида табиий-тоза озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга қўпайиб, бу дунё мамлакатлари олдига мавжуд табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва илмий асосланган иннацион технологияларни қўллаган ҳолда тобора ўсиб бораётган эҳтиёжни қондириш масаласини қўймоқда. Шу сабабли ҳам жаҳон иқтисодиётида чекланган ресурслар тақчиллиги муаммоси биологик активлардан самарали фойдаланишини тақозо этади. Халқаро ҳисоб ва ҳисобот амалиётида “биологик активлар” молиявий ҳисоб ва ҳисботнинг муҳим обьекти сифатида тан олинади.

Бироқ, ҳозирги пайтда ҳисоб ва ҳисобот тизимида қўлланилаётган ҳисботларда қишлоқ хўжалик корхоналарнинг биологик активлари түғрисидаги маълумотлари ахборот фойдаланувчиларнинг талабларига тўлиқ жавоб беради деб бўлмайди.

Бу эса, ўз навбатида, молиявий ҳисботларнинг ишончли ва аҳамиятли ахборот бериш борасидаги фойдалилик (нафлик) даражасини маълум даражада пасайишига сабаб бўлади. Хўжаликни операцион фаолияти ва бошқарув тизими самарадорлигини холис аудиторлар томонидан баҳолашда ҳам кўплаб қийинчиликларни туғдиради.

Биологик активлар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, биологик активлар ҳисобига доир ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланилишига эришиш бу барча мамлакатлар учун ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё мамлакатлари иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда ҳисоб ва

хисоботларни халқаро миқёсда мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда барча мамлакатларда кулагай инвестицион муҳитни шакллантириш, иқтисодиётнинг жаҳон стандартларига мос келадиган миллий стандартларини яратиш мақсадида бухгалтерия хисобининг миллий стандартларини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, молиявий хисоб ва ҳисботни халқаро унификацияси, хисоб ва ҳисботнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган биологик активлар хисобининг ҳозирги ҳолати, таснифи, уларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисботларда акс эттиришни такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар алоҳида ўринга эга. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида биологик активлар хисобининг концептуал асослари, уларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда молиявий ҳисботларда акс эттириш методологиясини такомиллаштириш бўйича маълум ютуқларга эришиб келинган. Бироқ, дунё миқёсида биологик активлар хисобига доир илғор тажрибалар ҳамда бу борадаги халқаро стандартлар талаблари жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётган мамалакатларда тўлиқ жорий қилинишига эришилган эмас.

Республикамиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўринни эгаллаб, охирги йилларда бу соҳага ҳам хорижий инвестицияларни кенг жалб қилинишига қарамасдан, ушбу биологик активлар хисоби ва аудитининг халқаро стандартлар талабларига мос келадиган назарий, ташкилий ва методологик асослари тўлиғича яратилган деб бўлмайди. Жумладан, республикамизда биологик активлар хисобига доир миллий стандартлар яратилган эмас. Биологик активларнинг хисоби 5-БХМС ва 4-БХМСлар билан тартибга солинади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

“Биологик актив” тушунчаси модда сифатида ҳисбот шаклларига киритилмаган, биологик активларнинг хисоб обьектлари сифатидаги моҳияти, тан олиниши, баҳоланиши, таснифи, таркиби, хисоб ва ҳисботда акс эттириш тартиблари, биологик активларнинг реал бозор қийматини аниқлаш усуллари, мана шу маълумотлар асосида шакллантирилган ахборотларни хисоб ва ҳисботда акс эттириш тартибларини ишлаб чиқилмаганлиги молиявий ҳисботлар тўлиқлиги ва ишончлигига таъсир кўрсатмоқда. Айрим биологик активларни хисобини ташкил этиш учун амалда фойдаланётган стандартларда белгиланган айрим тартиб-қоидалар халқаро стандартларда белгиланган тартиблардан тубдан фарқ қиласди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясида “Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидағи тағовутларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни халқаро молиявий ҳисбот стандартларига тўлиқ мослаштириш” [1] вазифаси қўйилди. Юқорида қайд этилган муаммолар биологик активлар ҳисоби ва аудитининг халқаро стандартлар талабларига мос усул ва услубиятини ишлаб чиқиш ва чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Биологик активлар мавзусида хорижий иқтисодчи олимлар Ҳ. Боҳусова, П. Сводоба, Д. Матес, В. Гросу, И. Бостан ва бошқалар бир қатор иқтисодчи олимлар илмий изланишлар олиб борган, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан профессор Р. Д. Дусмуратов, доцент Н. К. Ризаев, доцент Б. Ю. Менгликулов ва бошқалар илмий изланишлар олиб бормоқда, хусусан, Д. Матес ва бошқалар “41-сонли БХХС (IAS) ўлчов учун асос яратади ва активларнинг қийматини белгилайди, уларни молиявий ҳисботда акс эттиради ва уларнинг келажақдаги иқтисодий даромадларига таъсир қиласиган жисмоний ўзгаришлар тўғрисида маълумот беради” деб такидлайди[5].

Месен Фигуероа хулоса қилишича, “сотиш учун харажатларни камайтирадиган адолатли қийматни қабул қилиш активлар фаол бозорга эга бўлмаган тақдирда биологик активларни баҳолаш, молиявий ҳисботларни ишлаб чиқишида юқори даражадаги мураккабликни келтириб чиқаради. Буни вақти-вақти билан баҳолаш орқали биологик активларни молиявий маълумотларда тушунтириш ва баҳолаш учун мураккаб усувлардан фойдаланиш мумкин” деб такидлайди.[6]

Професор Р. Д. Дусмуратов ва доцент Н. К. Ризаевлар “бизнинг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида биологик активларнинг таркибидаги “ўсимлик”га нисбатан “тирик хайвонлар” тушунчаси кенгроқ ифодаланган. Шунингдек, “ўсимчилик”да эса қўп йиллик ўсимликларга ургу берилади. Қишлоқ хўжалиги ҳосилига кирувчи бир йиллик ўсимликлар (пахта, ғалла ва бошқ.) бунда ҳисобга олинмаган” деб **таъкидлайдилар.** [7]

Соҳага доир адабиётларда биологик активлар элементлари ҳисобининг халқаро стандартларга мувофиқ мазмуни, таснифи, уни тан олиш ва қийматини бозор баҳоларида баҳолаш, молиявий ҳисботларда акс эттиришда илғор усувлардан фойдаланиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Буларнинг барчаси ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

Тадқиқот методологияси

Илмий адабиётлар ва меъёрий хужжатларни таҳлил қилиш биологик активларни характерловчи кўрсаткичларга берилган таърифлар ва тушунтиришлар ўрганилиб, уларни МҲҲС талабларига мослаштириш масалари методик жиҳатдан тадқиқ қилинди. Биологик активларни тўғри таснифлаш орқали уларни ҳисобга олишни такомиллаштириш бўйича тақлифлар берилган. Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция ва статистик жадвал ва солиштирма таҳлил усувларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Биологик активлар қишлоқ хўжалиги корхоналари активларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам уларни тўғри таснифлаш молиявий ҳисботнинг биологик активлар тўғрисидаги маълумотлари ишончлилиги ва сифатини янада оширишга хизмат қиласади (1-жадвал).

1-жадвал

Биологик активларнинг таснифланиши¹

Таснифлаш белгиси	Биологик активнинг тури
1. Фойдаланиш муддатига кўра	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Узоқ муддатли ➤ Қисқа муддатли
2. Мўлжалланганлигига кўра	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Истеъмолга мўлжалланган ➤ Истеъмолга мўлжалланмаган
3. Жойлашишига кўра	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ерга жисмонан бириктирилган ➤ Ерга жисмонан бириктирилмаган
4. Мулкий кимга тегишлигига кўра	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Хусусий биологик активлар ➤ Вақтинчалик фойдаланишга олинган биологик активлар
5. Сотиб олиш ва келиб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Сотиб олинган хорижий биологик активлар

¹ Муаллиф ишланмаси

манбаларига кўра	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Сотиб олинган маҳаллий биологик активлар ➤ Ўз кучи билан яратилган биологик активлар ➤ Таъсис бадали сифатида киритилган биологик активлар ➤ Бепул келиб тушган биологик активлар
6. Ҳолатига кўра	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Буткул янги биологик активлар ➤ Олдинлари фойдаланишда бўлган биологик активлар.
7. Реал ҳолатига кўра	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Фойдаланилаётган ➤ Фойдаланилиши мўлжалланаётган ➤ Сотишга тайёрланган ➤ Тугатишга тайёрланган ➤ Ижарага берилган
8. Алоҳида соҳаларига кўра	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Дехқончиликдаги ➤ Чорвачиликдаги ➤ Бошқа соҳалардаги
9. Тури ва кўринишига кўра	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Бир йиллик ўсимликлар (фаллаб пахта ва б.) ➤ Кўп йиллик ўсимликлар (олма, узум, анор ва б.) ➤ Эчкилар ➤ Қўйлар ➤ Чучқалар ➤ Қорамоллар ➤ Отлар ➤ Туялар ва бошқа биологик активлар.

Олиб борилган тадқиқотлар, турли ахборот манбаларида “Қишлоқ хўжалиги” ҳамда “биологик активлар” тушунчаларига берилган таъриф ва тавсифларни ҳам ўрганиб чиқишини тақозо этди. Ҳозирги кунда Республикаизда қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар ва унинг таркибий қисмларини ҳисобини тартибга солувчи БХМС яратилмаганли сабабли, уларнинг аниқ таърифлари ҳам мавжуд эмас.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 41-сонли “Қишлоқ хўжалиги” деб номланувчи стандартда биологик активларга қуидагича таъриф берилган: “Биологик актив – бу тирик ҳайвон ёки ўсимликдир” [2].

Худди шунингдек, “Қишлоқ хўжалиги фаолияти - бу тадбиркорлик субъекти томонидан сотиш ёки қишлоқ хўжалиги ҳосилига ёки қўшимча биологик активларга айлантириш учун биологик активларнинг биологик трансформациясини ва йиғимини бошқаришдир” деб таърифланган.

Бизнинг фикримизча биологик активлар ҳар қандай ҳайвон ёки ўсимлик бўлибгина қолмасмасдан, аввал содир бўлган хўжалик операцияси натижасида вужудга келган, истеъмолга мўлжалланган ва мўлжалланмаган, ўз қийматига эга бўлган, субъект томонидан назорат қилинадиган моддий қийматлар эканлиги қайд этилса мақсадга мувофиқ деб ҳисблаймиз.

Худди шунингдек, бизнингча “Қишлоқ хўжалик фаолияти - бу тадбиркорлик субъекти томонидан биологик активларни етишириш, мақсадга мувофиқ сақлаш, кўпайтириш, улардан

хосил олиш ва истеъмолга етказиб бериш билан боғлиқ жараёнларни бошқаришдир”.

Юқоридаги таърифлар асосида биологик активларга қуидагича таърифни келтирамиз: “Биологик активлар – бу қишлоқ хўжалиги активлари, шу активларнинг биологик трансформацияси ёки уларни йигимини бошқариш бўлиб, у аграр ресурсларни бошқариш характеридаги жараёнлар натижасида юзага келади”. Бизнинг фикримизча ушбу таъриф биологик активларнинг асл моҳиятини аниқроқ тавсифлаб беради.

Биологик активларнинг муккамал таърифини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу таърифни республикамизнинг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни ва “Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли стандартга киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, ушбу қонун ҳужжатларида биологик активларга ва у билан боғлиқ қуидаги тушунчаларга ҳам аниқ таърифни бериш мақсадга мувофиқдир:

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти - бу тадбиркорлик субъектининг фойда олиш ёки иқтисодий наф кўриш мақсадида биологик активларга таъсир кўрсатиши натижасида улардан олинадиган маҳсулотидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тармоқ хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда турлича бўлиши мумкин: ерга ишлов бериш билан боғлиқ фаолиятда бу дехқончилик ҳосили, маҳсулдор ҳайвонларни етиштириш ва улардан маҳсулот олиш билан боғлиқ чорвачилик фаолиятида бу – чорвачилик маҳсулоти деб номланади.

Дехқончилик ҳосили – бу ерга жисмонан бириктирилган ва бириктириладиган биологик активларга ижобий таъсир кўрсатиши натижасида ундан олинадиган маҳсулотдир.

Чорвачилик маҳсулоти – бу тирик маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа шунга ўхшаш ерга жисмонан бириктирилмаган биологик активларга ижобий таъсир кўрсатиши натижасида улардан олинадиган маҳсулотдир.

Юқоридаги келтирилган таърифлар биологик активларнинг асл моҳиятини тўлароқ тавсифлайди деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, ҳалқаро ҳисоб ва ҳисбот амалиётида “биологик активлар” молиявий ҳисоб ва ҳисботнинг муҳим обьекти сифатида тан олинади.

Биологик активлар ҳисобини ҳалқаро стандартлар талабларига мослаштириш, биологик активлар ҳисобига доир ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланилишига эришиш бу барча мамлакатлар учун ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўринни эгаллаб, охирги йилларда бу соҳага ҳам хорижий инвестицияларни кенг жалб қилинишига қарамасдан, ушбу биологик активлар ҳисоби ва аудитининг ҳалқаро стандартлар талабларига мос келадиган назарий, ташкилий ва методологик асослари тўлиғича яратилган деб бўлмайди. Жумладан, республикамизда биологик активлар ҳисобига доир миллий стандартлар яратилган эмас. Миллий ҳисобимизда биологик активларнинг ҳисобини юритиш асосий воситалар ва тайёр маҳсулотлар сифатида 5-БҲМС ва 4-БҲМСлар билан тартибга солинади.

Ўрганишлар натижасига кўра биологик активлар тушунчасини тўғри англаш ва таснифлап орқали уларнинг ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадида бажариладиган ишлар юзасидан қуидаги таклифлар тавсия этилади:

- билогик активлар, қишлоқ хўжалик фаолияти, қишлоқ хўжалик маҳсулоти, деҳқончилик маҳсулоти, чорвачилик маҳсулот тушунчаларига тўғри таъриф бериш;
- турли таснифлаш белгилари бўйича билогик активларни турларига ажратиб ҳисобини тўғри ташкил этиш;
- билогик активларни ҳисобини МХХСга яқинлаштириш мақсадида амалиётда МХХС элементларини қўллаш ва такомиллаштириш.

Биологик активларга доир тушунчаларни тўғри талқин этиш, уларни тўғри таснифлаш молиявий ҳисботнинг билогик активлар тўғрисидаги маълумотлари ишончлилиги ва сифатини янада оширишга хизмат қиласди.

Адабиётлар

1. 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига 2-илова “Йўл харитаси”.
2. 41-сон БХХС (JAS 41) “Қишлоқ хўжалиги”. <https://finansist.uz/uz/moliyaviy-hisobotning-xalqaro-standartlari-ozbekistonda-qollanilishi/>.
3. С.Н.Ташназаров. Молиявий ҳисботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing.GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p.ISBN-13:978-613-8-24050-1.
4. Р.Д.Дусмуратов, У.И.Тулаев. Молиявий ҳисбот: назарий, услугубий ва амалий жиҳатлари.-Т.: "Extremum-Press", 2012, -144 б.
5. Mates, D., Grosu, V., Hlaciuc, E., Bostan, I., Bunget, O., Domil, A., Moraru, M., Artene, A. (2015). *Biological assets and the agricultural products in the context of the implementation of the IAS 41: A case study of the Romanian agro-food system*, Archives of Biological Sciences, 67(2), pp. 705–714. doi: 10.2298/ABS140301042M.
6. Mesén Figueroa, V. (2007). Los activos biológicos: un nuevo concepto, un nuevo criterio contable, Tec Empresarial, ISSN-e 1659-3359, Vol. 1, No. 3, pp. 10-16, 1(3).
7. Дусмуратов Р.Д. ва Ризаев Н.К. Аграр соҳада молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари: назария ва амалиёт. “Логистика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнал. 2020 йил 1-сон. 15-бет.
8. Узоков, Н., Хушмурадов, О. X., & Бабаева, Л. (2014). РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ. In *ФЕНОМЕН РЫНОЧНОГО ХОЗЯЙСТВА: ОТ ИСТОКОВ ДО НАШИХ ДНЕЙ* (pp. 376-378).
9. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 202-206.
10. Маматов, А. А., Жураев, Т. Т., Назарова, Ф. Х., Хуррамов, А. Ф., & Маматов, М. А. (2020). Развитие хлопково-текстильных кластеров в экономике Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (9), 419-423.
11. Маматов, А. А., & Хуррамов, А. Ф. (2017). Иностранные инвестиции как фактор экономического роста Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (10-2), 98-101.

12. Samiyeva G. Dehqon xo‘jaliklarini tadqiq etishning nazariy asoslari //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2021. – №. 6. – С. 171-176.
13. Samiyeva G. T. Concepts of Poverty, Inequality and Social Exclusion //International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development. – 2022. – Т. 4. – №. 3. – С. 122-126.
14. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиши соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
15. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. *Илкогретим Онлайн*, 20 (3).
16. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
17. Alikulova, A. (2020). ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF SECURITIES OF COMMERCIAL BANKS AT THE RSE “TASHKENT”. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 13.
18. Аликулов, А. Т. (2019). Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва унинг капитал оқимига таъсири. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (6), 54-58.
19. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO ‘JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje*, 24, 390-394.
20. Djalilov, R. H. (2021). The role of the cameral tax audit in the tax control of the republic of uzbekistan.
21. ДЖАЛИЛОВ, Р. РОЛЬ ИСТОЧНИКОВ ИНФОРМАЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ. *ECONOMICS*, (3), 42-46.
22. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
23. Turobov, S. A., & Faxriddinov, B. F. (2021). DEVELOPMENT OF HOME-ENTREPRENEURSHIP-GUARANTEE OF AGRICULTURE STRATEGY. *International journal of trends in marketing management*, 9(1).
24. Туробов, Ш. А., & Фахриддинов, Б. Ф. ЎЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ СИФАТИДА. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4 (140)), 15-20.
25. Hakimovich, B. A. (2021). Prospects for the development of the fruit and vegetable products market. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 1270-1278.
26. Бердиев, А. Х., Фармонов, Ж. Б., & Расулов, Х. К. (2020). Эффективность переработки маслосодержащего сырья: проблемы и пути их решения. *Вестник науки и образования*, (13-3 (91)), 6-12.
27. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & HAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
28. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.

29. Azimova, H. (2019). RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 7.
30. Алимханова, А. Н., & Мицель, А. А. (2019). Оценка эффективности предприятий на основе метода DEA. *Доклады Томского государственного университета систем управления и радиоэлектроники*, 22(2), 104-108.
31. Равшанов, А. Д., Хасанов, Ш. Х., & Алимханова, Н. А. (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш
32. Жумаева, Г. Ж., Хасанова, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
33. Жумаева, Г. Ж. (2020). ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ХОЗЯЙСТВЕННОГО УЧЕТА И АНАЛИЗА. *Экономика и социум*, (3 (70)), 283-286.
34. Музafferova, К. З., & Эгамбердиева, С. Р. (2022). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ РОЛИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 5(1).
35. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4 (140)), 42-47.
36. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.
37. Аминов Ф.Б. (2022). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ КООПЕРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. *Экономика и социум*, (10-1 (101)), 232-237.